



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарама опа-сингиллар!
Хурматли дўстлар!

Ҳаммамиз орқиқиб кутган мана шу гўзал баҳор кунларида, 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида сиз, азизлар билан учрашиб турганимдан гоят мамнунман.

Авалло, сизларни, сизларнинг тимсолингизда барча онахонларимиз, опа-сингилларимиз, дилбар қизларимизни ана шу байрам билан чин қалбимдан муборакбод этиб, ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Бу кутлуг айёмда ҳурматли аёлларимизга энг самимий, энг эзгу тилакларимизни изҳор этар эканмиз, биринчи навбатда **муқаддас ва мўтабар Опа сиймосига таъзим қиламиз.**

Аёлнинг нафосати ва назокати, вафо ва садоқати, ақл-заковати ва фидойилиги асрлар мобайнида ер юзиде ҳаёт давомийлиги ва абадийлигига асос бўлиб келади. Шу боис ҳам дунёдаги энг буюк санъат асарлари, қўшиқ ва қасидалар, меъморий обидалар аёллар шаънига бағишланган дур.

Оила ва жамият устуни, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган хотин-қизларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимиз учун азал-азалдан буюк қадрият бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Чунки **сизлар билан ҳаётимиз гўзал ва мазмунли, хонадонларимиз обод ва нурафшондир.**

Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон деб аталган жонажон Ватанимизда ҳар қайси мард йигит аввало меҳрибон онаси, оиласи, фарзандлари бахтли бўлишини албатта истайдиган, ҳазрат Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, бу йўлда ўзининг бутун борлигини бағишлаганга тайёр туради.

Бугунги байрамни биз – Ўзбекистон ўғлонлари, марди майдонлари аввало, дилимизда, қалбимизда сизларга бўлган меҳр ва муҳаббатимизни яна бир бор изҳор этиш имконини берадиган айём, деб қабул қиламиз.

Азиз ва муҳтарама опа-сингиллар!

Бугунги кунда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган мақсад ва вазифаларга эришишда сиз, азизларнинг бекиёс хиссангиз бор. Бунинг учун сизларга ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жумладан, давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин опа-сингилларимиз раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда. Улардан 17 нафари сенатор, 16 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлиб, 1 минг 75 нафари эса халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари таркибиде фаолият юритмоқда.

Ўнлаб опа-сингилларимиз “Ўзбекистон Қаҳрамони”, “Ўзбекистон фан арбоби”, “Ўзбекистон халқ ўқитувчиси”, “Ўзбекистон халқ шоири”, “Ўзбекистон халқ артисти” сингари давлатимизнинг юксак фахрий унвонларига, орден ва медалларига сазовор бўлган. Уларнинг орасида 500 нафардан зиёд фан докторлари ва академиклар, минглаб фан номзодлари ўз билими ва истеъдоди билан Ватанимиз раванқига астойдил хизмат қилиб келмоқда.

Бугунги давримизда ана шундай муҳтарама аёлларимизни, уларнинг давомчилари бўлган истеъдодли қизларимизнинг муносиб вакиллари қўриб турганимдан хурсандман.

Қадри дўстлар!

Сизларга яхши маълум, ҳурматли опа-сингилларимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш мақсадида яқинда “**Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустахкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги Президент фармони қабул қилинди.

Фармонда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини кучайтириш, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила институтини мустахкамлаш, оналик ва

болаликни ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳеч кимга сир эмас, Хотин-қизлар кўмитасидан, унинг жойлардаги бўлимларидан кўп нарсаларни талаб қилар эдик. Лекин, очик айтиш керак, бунинг учун уларда етарлича имконият борми-йўқми, бу ҳақда кўпинча ўйлаб кўрмас эдик. Бу кўмита аёлларнинг муаммоларини билгани билан, уларни ҳал этиш бўйича деярли амалий чоралар кўролмас эди.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, аввало Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимларининг янгилашган тузилмалари тасдиқлаб, штат бирликлари ҳамда ходимларининг оила иш ҳақи оширилди. Уларга қўшимча ваколат ва имкониятлар берилиб, самарали фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Фармонга биноан шу йил 1 апрелдан бошлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида **хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустахкамлаш бўйича мутахассис лавозими** жорий этилмоқда.

Шунга эътибор беринг, энди 8 минг 800 та билмдон, жонқуяр мутахассис аёллар оилавий муносабатларни яхшилаш, низоли вазиятлар, ажралишлар, барвақт никоҳларнинг олдини олиш, оилавий қадриятларни мустахкамлаш, хотин-қизларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси бўйича доимий иш олиб боради.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, бугунги тез ўзгараётган, зиддиятли даврда оилавий масалаларни илмий асосда чуқур ўрганмасдан туриб, ижтимоий ҳаётдаги кўплаб мураккаб саволларга жавоб топиш қийин. Шунинг учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “**Оила**” илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил қилинди ва уларнинг иш фаолиятини самарали йўлга қўйиш, бино ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жамиятимизда хотин-қизларнинг ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг оилаларни мустахкамлаш, ёш авлодни ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, халқимизнинг кўп асрлик бой маънавий меросини асраб-авайлаш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасидаги улкан хизматларини муносиб қадрлаш мақсадида юртимизнинг ишлаб чиқариш тармоқлари, тадбиркорлик, илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва бошқа соҳаларида самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ аёлларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”

Касимахунова Анархан Мамасадиқовна – Фаргона политехника институтининг “Электр энергетикаси” кафедраси профессори, Фаргона вилояти

Маруфова Гулнора Махмудовна – Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари

Шаҳабидинова Шохидо Хошимовна – Андижон давлат университетининг “Ўзбек тилшунослиги” кафедраси профессори, Андижон вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист”

Утениязова Алтингул Палуановна – Қорақалпоғистон Республикаси телерадиоканализацияси “Қорақалпоғистон” телеканалнинг катта муҳаррири

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Раҳматуллаева Шафбатон – Қўқон шаҳар мусиқали драма театри актриси, Фаргона вилояти

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Бобомуродова Хосият – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Боймуродова Жумахон Норбоевна – Зарбдор туманидаги “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти

Ирисбекова Каммуна Наринбаевна – “Алоқабанк” акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси

Истамкулова Мафратхон Мамажановна – Наманган вилояти қирғиз миллий маданият маркази раиси

Қобулова Мавлуда Умаржоновна – Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари – хотин-қизлар кўмитаси раиси

Махмудова Дилбар Пиримкуловна – Эркин ижодкор, ёзувчи ва публицист

Отановна Масуда Юлдашевна – Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри солист-вокалисти

Салимова Шарипа – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Тоқтаева Гузал Кашибовна – Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмасининг Республика Кенгаши раиси ўринбосари

Тулегенова Акшагул Аббасовна – Қонимех тумани халқ таълими бўлими мутахассиси, туман қозоқ миллий маданият маркази раиси, Навоий вилояти

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Надирханова Наталья Суратовна – Бухоро вилояти перинатал маркази директори

Турдиева Матлуба Халимовна – Самарқанд шаҳридаги 2-оилавий поликлиника бош шифокори, Самарқанд вилояти

“Дўстлик” ордени билан

Абдуллаева Санам Раимова – “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонаси Марказий кон бошқармасининг 2-гидрометаллургия заводи кран машинисти, Навоий вилояти

Абдурахимова Мухайё Раҳматуллаевна – Чимбой туманидаги “Lanextrakt” қўша корхонасининг ташқи иқтисодий масалалар бўйича директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Жумаева Мавжуда Шодномовна – Қосон туманидаги “Қўшмунчоғим” нодавлат мактабгача таълим муассасаси мудири, Қашқадарё вилояти

Зунунова Саҳабат Исламовна – “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи

Ипмина Антонина Александровна – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Қадирханова Малика Акбаровна – “Тадбиркор аёл” уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими раиси

Касимова Муқаддас Зайнутдиновна – Мирзо Улуғбек туманидаги Алишер Навоий номи маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси, Тошкент шаҳри

Мухаммадиева Хушвак – Пахтачи туманидаги “Авангард” фермер ҳўжалиги пиллачиси, Самарқанд вилояти

Саддуллаева Фаҳраҳат Аминовна – Урганч шаҳридаги “Урганч миллий тикувчилик” оилавий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти

Сатарова Фароғат – “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи

Сафарова Замира Хайдаровна – Ғиждувон туманидаги “Ғиждувон Махшураси” хусусий корхонаси раҳбари, Бухоро вилояти

Турдикулова Шахлохон Уткуровна – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Биоорганик кичик институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

Хатамова Рислиғой Гофуржоновна – Эркин ижодкор, шоира

Юлдашев Мухаббат Айсархуновна – Қўрғонтепа туманидаги “Капитал белла” масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

Юлчиева Гулнора Дехкановна – “Маҳалла зиёси” Республика ўқув-услубий маркази директорининг ўринбосари

“Шухрат” медали билан

Азизова Мафтуна Раҳматулло қизи – “Хунарманд” уюшмасининг Бойсун тумани бўлими аъзоси, ғиламдўз, Сурхондарё вилояти

Жалилова Мўтабар Абидовна – Тошкент шаҳридаги “Мурувват” ногирон болалар учун 2-интернат уйи тарбиячиси

Журабаева Саҳиба Эргашевна – “Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехи сирловчиси, Тошкент вилояти

Кокотова Ольга Николаевна – Гулистон шаҳридаги “Қувонч” мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Сирдарё вилояти

Наврозова Лола Хушмуродовна – Қарши шаҳридаги “Санам” масъулияти чекланган жамиятининг тикув цехи устаси, Қашқадарё вилояти

Ражабова Сара Дурдиевна – Ҳазорасп туманидаги “Шовот” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 7 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мўтабар аёл зотига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ўзининг иқтидори ва ибратли фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган қизларни рағбатлантириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 1999 йил 10 июндаги ПФ-2326-сонли ва “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустахкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли Фармонларига асосан:

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аъло ҳулиқ, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб ўтказиладиган тантаналарда соҳибдорлик дипломлари ва кўрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдориде пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиоканализацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиббаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Т.Нарбаева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 март



ҲАЁТ ГУЛИ, ЖАМИЯТ ТАЯНЧНИ ҲАМИША ЭЪЗОЗЛАЙМИЗ

Она диёримиз узра кўклар нафаси уфуриб турган шу кунларда барчамиз баҳор ва аёл деган ардоқли сўзларнинг бир-бирига нақадар ҳамоҳанг ва уйғун эканини беихтиёр ҳис этамиз. Чунки, баҳор ҳам, аёл ҳам инсон кўнглида аввало ҳаётга муҳаббат, эзгу орзу-интилишлар, меҳр ва саховат каби олижаноб ҳиссиётларни уйғотади.

Пойтахтимизнинг “Ўзэкспо-марказ” миллий кўргазмалар залида 8 март – Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унга Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан Ватанимиз раванқи йўлида самарали меҳнат қилаётган, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фидокорона фаолият олиб бораётган аёллар, иқтидорли қизлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари сафидаги хотин-қизлар тақлиф этилди.

Байрам иштирокчилари дастлаб Мустақиллик ва эзгулик монументи – Бахтиёр она ҳайкали пойга гул қўйди. Пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

Тантанали тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, мамлакатимиз хотин-қизларини табриклади.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётида ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама муҳофаза қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустахкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони муҳим дастурамал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз хотин-қизлари орасида 500 нафардан зиёд фан доктори ва академик, 15 нафар Ўзбекистон қаҳрамони, 17 сенатор, 16 депутат бор, шунингдек, ма-

ҳаллий Кенгашлар депутатларининг 23 фоизидан зиёдини ҳамда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустахкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу билан бирга, илгари Адлия вазирлиги тасарруфиди бўлиб келган фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш идоралари, эскича айтганда, ЗАГС идоралари туман ёки шаҳар ҳокими ўринбосари – Хотин-қизлар кўмитаси раисига бўйсундирилди. Энди улар нафақат никоҳ муносабатларига оид ҳужжатларни расмийлаштириш, балки оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича ҳам фаол иш олиб боради. Масалан, оила университетларини ташкил этиш, никоҳдан ўтадиган шахслар билан суҳбатлар олиб бориш, тўй-маросимларни тартибли ўтказиш, ажралишларнинг олдини олиш ва бошқа муҳим чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, муҳтарам опа-сингилларимиздан тўй ва маъракаларимизни ихчам ва мазмунли ўтказиш бўйича ўз фикрларингизни билдириб, уни ҳал қилиб беришларингизни илтимос қиламан.

Фармонга асосан **Хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** тўзилиб, унинг фаолиятини самарали ташкил этиш учун ҳозирча 300 миллиард сўм маблағ ажратилмоқда.

Ана шу маблағ ҳисобидан хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, меҳнат шaroитларини яхшилаш, айниқса, кишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва ҳусусий тадбиркорликка, хунармандликка кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар фаол тадбиркорликни ривожлантириш, аёлларнинг оиладан, фарзанд тарбиясидан ажралмаган ҳолда қасаначилик, томоққачилик билан шуғулланиши учун зарур шарoит яратяди.

Қабул қилинган Фармонга мувофиқ, ҳам таъминланган, шахсий уй-жойга муҳтож оилаларга уй-жой олиш учун ажратилган кредитларнинг бошланғич бадалларини тўлаб беришда ҳам фонд маблағларидан фойдаланиш белгиланган.

Фармонда яна бир муҳим янгилик кўзда тутилган. Унга биноан бу йилдан эътиборан **Зулфия номидаги Давлат мукофотини ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли қизларга бериш бўйича янги тартиб жорий этилди**.

Энди ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки нафардан қизимизга бу мукофот берилади.

Бу йил 28 нафар истеъдодли қизимиз Зулфия номидаги Давлат мукофотиغا сазовор бўлди. Бугун уларга ана шу мукофотларни сизларнинг ҳузурингизда тантанали равишда топшираман.

Албатта, Фармонда белгилаб берилган долзарб вазифалар ҳақида яна узоқ гапириш мумкин. Лекин, ҳаммамиз яхши тушунамиз, бу вазифалар ҳали – мақсад, режа, ҳолос, уларни самарали амалга ошириш учун ҳаммамиз, аввало, сиз, ҳурматли хотин-қизларимиз билан биргаликда фаол иш олиб боришимиз керак.

Муҳтарам йилгилиш иштирокчилари!

Хабарингиз бор, ўтган бир йил давомида биз **халқимиз, жумладан, хотин-қизлар билан мулоқот олиб боришни давлат сиёсати даражасига кўтардик**. Шу асосда кишлоқ ва шаҳарларимизда уйма-уй юриб, ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш бўйича самарали тизим яратилди. Ҳозирги вақтда ана шу тизимнинг муҳим бир қисми сифатида марказдан тартиб энг олис туманларга ҳам **жамоатчилик назорати гуруҳлари** фаолият кўрсатмоқда.

2017 йилда 5 миллиондан ортиқ хонадондаги муҳит ўрганилиб, 15 миллион фуқаро билан мулоқот ўтказилди, аҳоли томонидан кўтарилган 500 мингдан зиёд муаммонинг 72 фоизи жойида ҳал этилди, 14 мингдан ортиқ оиладаги нотинч вазият бартараф қилинди. Шулар қаторида юртимизда яшаб келаётган, лекин фуқаролиги бўлмаган 1 минг 100 дан ортиқ шахсга Ўзбекистон фуқаролиги берилди. Улар орасида юзлаб аёллар ҳам борлиги ва уларга нисбатан адолатнинг тиклангани, ҳеч шубҳасиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлидаги муҳим қадамдир.

Мамлакатимизда шу пайтгача хотин-қизларни энг кўп беэрта қилиб келган масала – мактабгача таълим муассасаларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу чўқур ўйланган сиёсат бўлиб, юртимизда узуқсиз таълим ва тарбия тизимини мукамал шакллантириш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, **“Келажақ – боғчадан бошланади”** деган шior баландпарвоз гап эмас. Аслида ватанпарварлик, эл-юртга фидойилик бир қарашда оддий, лекин ҳаёт талаби бўлган ана шундай долзарб ишлардан бошланади.

Биз бу йил 3 мингдан зиёд болалар боғчасини ташкил этишни режалаштирганимиз. Шундан 1 минг 200 та боғча янгитдан қурилади, 1 минг 360 та боғча мавжуд биноларда ва 470 та боғча эса уй боғчаси сифатида ташкил

этилади. Бу борада давлат-ҳусусий шериклик муносабатлари асосида ҳудудларга бириктирилган тижорат банклари ва тадбиркорлар имкониятларини кенг ишга соламан.

Мен ҳудудларга борганимда шаҳар ва туманларимизда барпро этилаётган янги боғчалар, улардаги шароитлар билан танишишга алоҳида эътибор бераман. Энг асосийси, бундай ишлардан оналар, аёлларимиз, жажжи фарзандларимиз мамнун бўлмоқда.

Айни вақтда бу соҳада ҳал қилишимиз зарур бўлган масалалар ҳам кўп. Масалан, ушбу тизимда фаолият кўрсатаётган қарийб 60 минг тарбиячининг атиги 21 фоизи олий маълумотли, қолгани эса ўрта махсус маълумотга эга.

Ана шу масалани ҳал қилиш учун 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб **олий ўқув юртиларда мактабгача таълим йўналиши бўйича кундузги бўлимда бакалаврлар тайёрлайдиган 3 йиллик тизимни** жорий этмоқдамиз. Шунингдек, бу йўналиш бўйича **сиртки ва кечки таълим шаклида бакалаврлар тайёрлаш тизими** ҳам йўлга қўйилди.

Март ойидан бошлаб ҳудудларимиздаги университет ва педагогика институтлари базасида боғча педагоглари ва шу соҳада мутахассис бўлмаган кадрлар учун ярим йиллик ўқув дастурлари асосида **қайта тайёрлаш курслари** ташкил этилмоқда.

Хабарингиз бор, биз ушбу соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш мақсадида яқинда алоҳида қарор қабул қилдик. Унга кўра, шу йил 1 мартдан бошлаб **боғча ходимларининг иш ҳақи икки босқичда сезиларли равишда ошириб борилади**. Ана шу мақсадлар учун 2018 йилда давлат бюджетидан 386 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилди.

Бундан ташқари, 2023 йилнинг 1 январига қарақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Қашқадарь, Сурхондарь ва Бухоро вилоятларида иқтисодий аҳоли оғир бўлган айрим туманларда мактабгача таълим муассасаларида боғча тўловлари миқдори 50 фоизга камайтирилди.

Қадрли юртдошлар!

Мамлакатимизда **оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш** мақсадида тиббиёт соҳасини, хусусан, шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш, дори-дармон таъминотини яхшилаш бўйича кўп ишлар қилинмоқда. Ана шу ишларни янги босқичга кўтариш учун жорий йилда бюджет маблағлари ҳисобидан қарийб 1 триллион сўм маблағ ажратилиб, бу борада янги қадамлар қўйилди.

Барча ҳудудларда перинатал ёрдам сифатини яхшилаш, оналар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат даражасини ошириш мақсадида халқаро толий институтларининг ёрдамини ҳам жалб этиш кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг дам олиши, саломатлигини тиклашига ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу ҳақда гапирганда, бир рақамга диққатингизни қаратмоқчиман. Ҳар йили қасаба уюшмаларига қарашли санаторийларда дам олаётган аҳолининг 60 фоизини аёллар ташкил этмоқда. 2017 йилда 75 мингга яқин аёл ана шундай масканларда имтиёз-ли йўлланмалар асосида соғломлаштирилди.

Шу билан бирга, кишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини, профилактика ва патронаж тизимини янада такомиллаштириш борасида кенг қўламини ишлар олиб боришмоқда.

Айни вақтда ҳаммамиз яхши биламиз, бу соҳада ҳам муаммолар йўқ эмас. Хусусан, ҳомилдор аёлларни скрининг кўригидан ўтказиш ишлари талаб даражасида эмас. Бу борадаги жиҳдий камчиликларга барҳам бериш мақсадида оилавий поликлиникалар ва кишлоқ врачлик пунктларида **қизларимиз, аёлларимиз учун алоҳида тиббий маслаҳатхоналар** ташкил этилмоқда.

Бу масалаларнинг аҳамиятини сизлар она сифатида, тарбиячи ва мураббий сифатида, ўйламанки, бошқалардан кўра яхшироқ тушунасиз.

Биз халқимизнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, кўп йиллар давомида оғир масала бўлиб келган **уй-жой муаммосини ҳал қилишга киришдик**.

Бу борада, айниқса, ипотека кредитлари асосида қурилатган **арзон уй-жойлар** қўпчилигига маъқул бўлмоқда.

Ўтган йили шаҳар ва кишлоқларимизда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилиб, минглаб юртдошларимиз янги, замонавий турар жойларга эга бўлишди. Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ногиронлиги бўлган фуқароларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларга имтиёзли уйлар ажратиш бўйича янги тизим жорий этилгани, айниқса, муҳим аҳамиятга эгадир.

2017 йилнинг ўзида 1 минг 207 нафар муҳтож, ногирон аёлга арзон уй-жойлар берилди. Уларнинг 972 нафарига ҳомий ташкилотлар томонидан тикув машиналари олиб берилиб, қасаначилик билан шуғулланиши учун шароит яратилди.

Жорий йилда бу йўналишдаги ишларимиз янада кенгайтирилиб, 10 мингдан ортиқ ижтимоий ёрдамга муҳтож, ногирон аёллар иш ўринлари билан таъминланади. 2018 йилда аҳоли, айниқса, ёш оилаларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиб, арзон уй-жойларни қуриш ҳажми 1,5-2 баробар оширилди. Бу мақсадлар учун 5 триллион 286 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Шу билан бирга, оғир машиш шароитда яшаётган, боқувчисини йўқотган, ногиронларни парвариш қилаётган оилаларга 242 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Ўтган йили мамлакатимиз бўйича 120 мингдан ортиқ тадбиркор хотин-қизларга жами 2 триллион 700 миллиард сўмлик кредитлар берилди, 84 мингдан зиёд хотин-қизларимиз доимий иш жойлари билан таъминланди, аёлларни касбга ўқитиш курслари ташкил этилиб, уларда минглаб опа-сингилларимиз турли касбларга ўргатилди.

Сизларга маълумки, биз 2018 йили юртимизда **Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили**, деб эълон қилдик. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури доирасида тадбиркор аёлларга бу йил 2 триллион 800 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилиб мўлжалланмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш бўйича икки йиллик мораторий эълон қилинган оилавий бизнес, қасаначилик, ҳусусий тадбиркорлик ривожини кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Ўтган йили **маданий-гуманитар соҳаларни ривожлантириш** бўйича қилинган ишлар ҳам хотин-қизларнинг ҳаётий манфаатларига бевосита дахлдор, деб ўйламан. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва бир қатор вилоятларда олий ўқув юртиларининг филиаллари, истеъдодли ўқувчиларимиз учун улуг адибларимизнинг номилари билан аталган **ижод мактаблари** ҳамда **“Темурбеклар мактаблари”, “Улугбеклар мактаблари”** барпо этилди.

Албатта, микёси ва қўламини тобора кенгайиб бораётган бундай эзгу ишларимиз ҳақида яна қўллаб-қўллаш мисоллар келтириш мумкин. Лекин биз бу ишларнинг барчасини катта йўлдаги дастлабки қадамлар, деб биламиз. Ҳаётимизни янгилаш, оналаримиз, опа-сингилларимизни рози қилиш мақсадида бошланган ишларимиз биз кутган амалий натижаларни бериши учун келгусида уларни янада қучайтираман.

Хурматли юртдошлар!

Бугунги кунда халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, ноқонунли миграция, одам савдоси, экологик муаммолар кўчаиб бораётгани бутун инсониятни, жумладан, бизни ҳам қаттиқ хавотирга солмоқда. Бундай мураккаб шароитда юртимизда ва минтақамизда тинчлик ва оқсоишталликни асраш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Биз бу борада қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Мана, эрта-индин Тожикистон Республикасига давлат ташири билан борами. Яқин қўшимиз бўлган бу мамлакат билан ҳам қўллаб-қўллаш масалаларини ўзаро муҳокама қилиб, уларни амалий жиҳатдан ҳал этиш ниятидаман.

Биз ҳорижий мамлакатларда қонуний асосда меҳнат қилаётган, таълим олаётган фуқароларимизга нисбатан муносабатни тубдан ўзгартирдик.

Юртимиздан махсус делегациялар бориб, чет эллардаги ватандошларимиз билан учрашувлар ўтказиётган, уларнинг меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш бўйича маҳаллий бошқарув идоралари билан биргаликда зарур чора-тадбирлар қўрилатганидан, ўйламанки, сизлар хабардорсиз. Жумладан, ҳорижий давлатларда муваффақиятли ишлаб юрган юқори малакали олим ва мутахассисларимиз, врачлар, салоҳиятли инвесторлар – уларнинг орасида истеъдодли опа-сингилларимиз ҳам кўп – юртимизга тақлиф этиб, ўз билим ва тажрибасини Ватанимиз равнақи йўлида ишлатиши учун барча шароитларни яратиб бермоқдамиз. Чўнки бу инсонлар ҳам бизнинг ватандошларимиз, Ўзбекистон фуқароларидир. Шунинг учун биз бу ишларни келгусида янада қучайтираман.

Маълумки, мамлакатимизда **ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш** мақсадида диний-экстремистик оқими мансуб шахс сифатида ҳисобда турадиган фуқароларга нисбатан муносабатимизни бутунлай ўзгартирдик. Бундай шахсларни ўзимизга яқин олиб, дардига қўлоқ тутганимиз бугун ўз натижасини бермоқда. Ҳозирги вақтда ана шундай минглаб фуқаролар соғлом турмуш тарзига қайтарилди.

Бу дунёда энг ёмон нарсани нима? Таънаво маломат эмасми? Шу нуқтаи назардан қараганда, бу инсонларнинг оила-сини, фарзандлари “Бу фалончининг хотини”, “Бу фалончининг боласи” деган ҳар хил таънавлардан қўтулгани энг катта иш бўлди. Энди улар маҳаллада, мактабда, кўча-кўйда бошини кўтариб, ижтимоий ҳаётимизда фаол қатнашиш имконига эга бўлди. Бугунги кунда ана шу фуқароларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этиш, ишга жойлаштириш, тад-

биркорлик билан шуғулланиш истагини билдирганларига банк кредитлари ажратиш бўйича аниқ чоралар қўрилмоқда.

Юртимизда тўғри йўлдан адашган инсонлар умуман бўлмаслиги учун бу борадаги ишларни сусайтирмасдан, изчил давом эттиришимиз керак. Ўз фаолиятимизни **жаҳолатга қарши маърифат** асосида ташкил этишимиз лозим.

Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислам академияси каби илмий-маърифий муассасалар ҳам айни шу мақсадларни кўзлаб ташкил этилгани барчангизга яхши маълум, деб ўйламан.

Сиз, ҳурматли аёлларимиз ўзингизнинг оналик меҳрингиз, ҳаётий билим ва тажрибангиз билан фарзандларимизни турли хавф-хатарлардан асрашда, уларни мустаҳкам иродали, маънавий-интеллектуал жиҳатдан етук, жоноҳон Ватанимизга садоқатли инсонлар этиб тарбиялашда бундан буюн ҳам қуч-ғайратингизни аямасиз, деб ишонаман. Айниқса, қиз болаларни ҳаётга тайёрлаш, уларни замонавий билимлар, касб-хунарларга ўргатишда биз аввало сизларга сунаман.

Хабарингиз бор, ўтган йили кўпчилик ота-оналар, ёшларимиз, кенг жамоатчилик томонидан билдирилган тақлифларни ҳисобга олиб, **умумтаълим мактабларида 11 йиллик тизимни тикладик**. Бундай қарорни қабул қилишда биринчи навбатда сизларнинг фикрингизни эътиборга олганимиз, қизларимизнинг тақдирини, келажаги ҳақида ўйлаганимиз – буюм айни ҳақиқат. Чўнки қиз бола узоқ шахар ёки тумандаги коллежга бормасдан, ота-онасининг бағрида туриб, ўзининг қадрдон мактабиди ўқиниш давом эттирса, унинг ўзи ҳам, оиласи ҳам тинч-хотиржам бўлади.

Фарзандлар тинчлиги, уларнинг бахти, қамоли – жамиятнинг энг катта бойлиги. Бунинг аҳамиятини ота-она бўлган одам билади. Айниқса, ҳозирги нотинч, мураккаб замонда бу ҳақиқатни янада чўқурроқ англаш – бу ҳам ҳаёт талабидир.

Хурматли анжуман қатнашчилари!

Бугунги даврамизда муҳтарам меҳмонларимиз – Америка Қўшма Штатлари элчиси Памела Спретлен хоним, Хитой Халқ Республикаси элчиси Цзянь Янь хоним, Франция элчиси Виолет де Вильмор хоним, Миср Араб Республикаси элчиси Амали Элтер хоним, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Хелена Фрейзер хонимлар иштирок этиб, байрам қўниқини биз билан баҳам қўришмоқда. Бу азиз меҳмонларимизни сизларнинг номингадан, ўз номиндан самимий табриклаб, уларнинг келгуси фаолиятида катта ютуқ ва омадлар тилашга рўхсат бергайсиз.

Қадрли опа-сингиллар!

Биз шаҳар ва кишлоқларимиз, бутун юртимизни янада равнақ топтириш, халқимиз ҳаётини муносиб даражага кўтариш бўйича қандай режа ва дастурлар қабул қилсак, аввало сиз, азизларнинг оруз-ниятларингиз ва манфаатларингизни рўйбга чиқаришни ўз олдизга вазифа қилиб қўйганимиз. Ҳозирги кунда бу борада катта амалий ишларни бошламоқдамиз.

Бутун мамлакатимиз бўйича замонавий лойиҳалар асосида улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, **“Обод қишлоқ” дастури** муҳим аҳамиятга эгадир. Бу аввало аёлларимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг кайфияти, дунёқарашини юксалтиришга жуда катта ижобий таъсир кўрсатадиган дастурдир. Ана шундай дастурларимиз асосида йўллар, таълим ва тиббиёт, маданият, спорт масканлари, уй-жойлар янгиланмоқда. Минглаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, кичик бизнес, туризм ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилмоқда.

Айниқса, ички туризм бўйича яратилаётган имкониятлар юртимиз бўйлаб саёҳат қилиш, ўз тарихимиз ва маданиятимизни янада чўқур билишга қаратилгани билан эътиборлидир.

Ўйламанки, Наврўз байрами муносабати билан белгиланган қўшимча дам олиш кўнларида сизлар оилангиз, фарзандларингиз билан ана шундай шароитлардан фойдаланиб, мазмунли дам олиш имконига эга бўласиз.

Азиз опа-сингиллар!

Сўзимнинг охирида барчангизни Халқаро хотин-қизлар байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Менинг тилагим, менинг мақсадим битта – оилангиз, фарзандларингиз, эл-юртимиз бахтига ҳаммиса соғ-омон бўлинглар!

Нега деганда, аёлларимизнинг бахти – халқимиз, жамиятимизнинг бахтидир.

Барчангизга оилавий хотиржамлик, хонадонларингизга тинчлик, файзу барака тилайман.

Доимо халқимиз, Ватанимизнинг юксак меҳри ва ардоғида бўлиш ҳаммангизга насиб этсин!

Катта раҳмат сизларга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2018 йил 2 мартдаги

ПҚ-3581-сонли қарорига илова

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАНЛАР Р Ў Й Х А Т И

Жуллибаева Шаҳодат Куралбай қизи – Нўкус давлат педагогика институтининг 2-босқич талабаси

Ўтемуратова Наргиза Алиевна – Қорақалпоғистон Республикаси Нўкус маданият ва санъат коллежининг 2-босқич ўқувчиси

Аҳмедова Дилрабо Обид қизи – Андижон давлат университетининг 1-босқич талабаси

Обиджоннова Эъзода Акмалжон қизи – Андижон вилояти Марҳамат кишлоқ ва сув хўжалиги касб-хунар коллежининг 1-босқич ўқувчиси

Бахшиллоева Гулчирай Бахтиёр қизи – Бухоро санъат коллежининг 2-босқич ўқувчиси

Бозорова Сафия Сафар қизи – Бухоро вилояти Жондор туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси

Абдуллаева Висола Убайдулла қизи – Жиззах транспорт ва алоқа касб-хунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси

Шокирова Азиза Илҳом қизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жиззах академик лицейи 2-босқич ўқувчиси

Нейматова Юлдуз Қосим қизи – Қашқадарь вилояти Китоб иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Чориева Малика Шухратовна – Қашқадарь вилояти Қарши туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси

Аъзамова Муниса Акрам қизи – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 1-босқич талабаси (Навоий вилояти)

Маннонова Махдир Ҳафиз қизи – Навоий вилояти Учқудуқ тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг дзюдо бўйича мураббийи

Ёкубжоннова Шаҳноза Тўлқинжон қизи – Наманган санъат коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Сайфиддинова Муштарийбегим Фахриддин қизи – Наманган давлат университетининг 1-босқич талабаси

Саматбоева Мафтуна Тўлқинжон қизи – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицейининг 3-босқич ўқувчиси

Яхшиликнова Раъно Илҳомиддин қизи – Самарқанд вилояти Қўшработ кишлоқ хўжалик касб-хунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Исокова Гулчирай Ўқтам қизи – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

Мамлакатимизда спорт соҳасида фаолият кўрсатиб, муносиб ютуқларга эришадиган хотин-қизлар кўп. Халқаро спорт мусобақаларида иштирок этиб, спортнинг турли хил йўналишларида юқори совринларни қўлга киритган, чемпион бўлаётган бу мунис қалб эгаларига ҳавас қилса арзийди.

МУНИС ҚАЛБ
ЭГАЛАРИ

Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шухрати музейида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ташкил этилган тадбирга ана шундай спорт маликалари таклиф этилди. Уларнинг дунё ареналарида юртимиз байроғини юксакларга кўтариб, Ўзбекистон номини бутун дунёга таратишдек шарафли вазифани бажараётгани эътироф этилди, жасорати ва иродасига таҳсинлар айтилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 5 мартда қабул қилинган "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида

давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони юртимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузилмани яратиш, мамлакатимиз спортчиларининг халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этишини таъминлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши таъкидланди.

Тадбир сўнгиди куй-қўшиқлар ижро этилди.

АЁЛ – ОЛАМ ЧАРОҒБОНИ

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган байрам тадбири "Аёл билан олам чароғбон" деб номланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини, ижтимоий ҳаётдаги нуфузини оширишга алоҳида аҳамият қаратилиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини таъкидлади.

– Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, иқтидор ҳамда ихтироларини юзага чиқариш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар негизда аёлларнинг нафақат оила, балки жамиятдаги мавқеи ва нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолатдир, – дейди Тошкент темир йўл муҳандислари институти маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Дилшод Баратов. – Айниқса Президентимизнинг

жорий йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони уларга кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир исботи бўлиб, турли жабҳадаги ишларни олиб боришда куч ва шижоат бағишламоқда. Аёлларимиз ҳаётимиз гултожи, умримиз бўстони, оиламиз чароғбонидир, ҳамisha соғ ва омон бўлсинлар. Улар бутун борлиқни нурафшон айлаб яшашига куч ва мадор бўлиб дилларни яшнатиб турдилар.

Тадбир доирасида профессор-ўқитувчиларга, фидойи ходимларга ва фаол ёшларга институт томонидан faxрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ
ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИДАГИ
ҲИССАСИ ОРТМОҚДА

Олимлар аёллар бугунги замонда эркаларга қараганда кўпроқ суверен, хонаки жониворлар каби ресурс ва активларга, ўрганиш ёки технологиялар каби хизматларга яқинроқдир, деган фикрни билдирмоқда. Қишлоқ жойларда аёлларнинг бундай ресурсдан фойдаланиши оилалар турмуш даражаси яхшиланишига хизмат қилади.

Ривожланган мамлакатлар агросаноатида хотин-қизлар муҳим ўрин тутати. Мамлакатимиз қишлоқ жойларида ҳам йилдан йилга аёллар раҳбарлигидаги хўжаликлар сони ортиб бормоқда. Улар самарали фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратилипти.

Пойтахтимизда "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси томонидан ўтказилган анжуман аёллар ўртасида фермерликка инновацияларни жорий этиш ва рақобатбардошлик

ни ривожлантиришга бағишланди. Унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан юздан ортиқ фермер ва агробизнес вакили иштирок этди.

Тадбир БМТнинг Озёқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Жаҳон банки, Европа Иттифоқи, Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг (Германия) мамлакатимиздаги ваколатхонаси кўмагида ташкил этилди.

Анжуманда фермер аёлларни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама этилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат шароитини яхшилаш мақ-

садида илм-фаннинг сўнгги ютуқлари ва юқори технологияларни татбиқ қилиш, қишлоқ жойлардаги тадбиркор аёллар фаолияти самарадорлиги ва даромадларини оширишга эътибор қаратилди. Шунингдек, фермер аёллар малакасини ошириш, етакчи хорижий фирма ва ташкилотларда тажриба алмашиш, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни ривожлантириш имкониятлари кўриб чиқилди.

(ЎЗА)

БИТИРУВЧИЛАР БАНДЛИГИ
ТАЪМИНЛАНАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, бугуннинг ўзида ҳар бир битирувчини аниқ бир ташкилотга бириктиришни таъминлаш билан бирга, унинг бўлажак иш жойи, ишлаши ва ижтимоий шароитларини аниқ белгилаш зарур.

Айни пайтда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2017/2018 ўқув йили битирувчиларини қорхона, ташкилот ва муассасаларга ишга тақсимлаш ҳамда жойлаштириш жараёни қизгин тус олган.

Битирувчилар бандлигини кафолатли таъминлашга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган битирувчилар ярмаркаси ана шулар жумласидандир. Ўтказилаётган ушбу тадбирда 1,5 мингдан зиёд бакалаврият ва 100 га яқин магистр иштирок этди.

Мазкур ярмарка битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга, бўлажак мутахассисларни иш берувчилар билан таништиришга кўмаклашади.

Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Ички ишлар, Маданият, Маътабга таълим, Мудофаа вазирликлари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, ҳудудий ҳокимлик вакиллари, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, давлат ва нодавлат таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг бўш иш ўринлари бўйича тақдирлари талабаларда катта қизиқиш уйғотди. Улар билан уч томонлама шартномалар тузилди.

Моҳигул ҚОСИМОВА

Кўргазма

РАНГЛАРДА АКС ЭТГАН ЖОЗИБА

Ўзбекистон Бадий академиясида Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Олтиной Шодиевнинг "Жозиб" деб номланган илк шахсий кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазмада ёш рассомнинг қирққа яқин рангтавсир иши намойиш этилмоқда.

Олтиной Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида туғилган. Ёш рассом коллеж даврида ноқ турли халқаро ва миллий кўргазмаларда иштирок этди. "Тасвирий санъат ҳафталиги", "Юрт келажаги" каби тадбирларда фаол қатнашиб, faxрий ёрлиқ ва дипломлар билан тақдирланди. Шунингдек, "Ёш рассомлар" кўриктанловининг республика босқичида ғолиб бўлиб, институтга имтиёзли ра-

вишда ўқишга қабул қилинди.

Ижодкор асарлари асосан манзара жанрида бўлиб, уларда мамлакатимизнинг гўзал табиий масканлари, Самарқанд, Бухоро шаҳарларидаги тарихий обидалар ва Тошкентнинг ажойиб кўринишлари акс этган. Унинг "Ҳаёт", "Шаршара", "Булутли кун", "Баҳор манзаралари", "Ёмғир", "Эрта куз", "Ҳожикент", "Оқтошда" каби картиналари шулар жумласидандир.

Гулноза БОБОЕВА,
ЎЗА муҳбири

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ
ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЭНГ
ЯХШИ ЛОЙИҲАЛАРИ
ГРАНТНИ ҚЎЛГА КИРИТАДИ

Тўғри тузилган лойиҳа талабномаси нодавлат нотижорат ташкилотларига ижтимоий муҳим лойиҳаларини амалга оширишда грантни қўлга киритиш имконини оширади. Пойтахтимизда ижтимоий лойиҳаларни ишлаб чиқишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг салоҳиятини оширишга бағишлаб ўтказилган семинарда ана шу ҳақда сўз юритилди.

Тадбирда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Канаданинг маҳаллий ташаббуслар жамғармаси, республика ва ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси кенгаши раиси А.Каримов мамлакатимиз нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан қўшимча молия маблағлари ва ресурслар жалб қилиниши ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар ва хайрия фаолияти самарадорлигини оширишни таъкидлади. Бу, ўз навбатида, таълим, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, миллатлараро, маданиятлараро ва фуқаролараро тотувлик ҳолатини мустаҳкамлаш каби долзарб вазифаларни ҳал этиш имконини беради. Айнан шу боис давлат бу борада нодавлат нотижорат ташкилотларини ўзининг масъулияти ва ишончли шериги деб ҳисоблайди.

Тадбир доирасида мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида долзарб ҳисобланган аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш ва гендер тенглигига қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди.

– Бугунги кунда Хоразм вилояти-

нинг ўзида 600 га яқин нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият юритиб, уларнинг ҳар бири ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни ҳал этипти, – деди Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси Хоразм вилояти ҳудудий бўлини маси раҳбари Р.Машарипова. – Ҳудудимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотлари учун мунтазам равишда семинар-тренинглар ўтказилади. Масалан, ўтган йилнинг ўзида Хоразм вилоятидаги 14 нодавлат нотижорат ташкилоти давлат гранти танловлари ғолиби бўлди.

– Ташкилотимиз 2003 йилда тузилган бўлиб, ўтган вақт мобайнида қатор ижтимоий лойиҳаларни амалга оширди, – деди "Mehr Kozda" нодавлат нотижорат ташкилоти директори М.Тошхўжаева. – Жамоат ва давлат ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик бизга ишсиз, юридик, психологик ёки ижтимоий кўмакка муҳтож аёлларни қўллаб-қувватлашга оид ташаббусларни амалга оширишга ёрдам берапти. "Маҳалла аёллари диний экстремизмга қарши" лойиҳаси ташкилотимизнинг илк ташаббусларидан бири бўлган. Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларидаги аёллар билан шу мавзуда семинар-тренинглар ўтказилди.

Роман БОНДАРЧУК



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижонда "Фуқаролар йиғинининг Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича энг намунали комиссияси" республика кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Андижон вилояти ҳудудий бирлашмаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган танловда 16 нафар комиссия раиси бахслашди.

• Гулистон шаҳрида ўтказилган давра суҳбати "Ёшларимизни диний экстремистик кучлар таъсиридан асраш – барчамизнинг бурчимиз" деб номланди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сирдарё вилояти кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда шаҳардаги "Бўстон", "Истиклол", "Обод юрт", "Боғишамол" ва "Улуғбод" маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ва уюшмаган ёшлар иштирок этди.

• Сирдарё туманида "Энг яхши касб-хунар таълими муассасаси" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Сирдарё вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда ҳудуддаги барча касб-хунар коллежлари раҳбарлари, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этди.

• Тошкент давлат аграр университетида "Чикиндиларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тошкент вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати вилоят ҳудудий бўлини маси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзолари, Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят бўлими ходимлари, ўқитувчи ва талабалар иштирок этди.

• Гулистон шаҳрида "Соғлом оила" шiori остида ўтказилган мусобақада 34 оилавий жамоа иштирок этди. Мусобақада спортсевар оилалар жамоавий эстафета, аркон тортиш, шахмат-шашка, бадминтон, югуриш, акробатика элементлари, тўпни нишонга отиш, мерганлик, моҳир ҳужумчи ва бошқа қизиқарли шартларда ўзаро беллашди.

ЖАҲОНДА

• Копенгаген университети олимлари таркибида қанд микдори кўп бўлган ширин ичимлик ва шу каби махсуслотларни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш организмдаги турли аъзо ва тўқималарда қон айланишини ёмонлаштиришни маълум қилди. Бу ҳолат йиллар давомида қон айланиш тизими фаолиятининг бузилиши ҳамда инсульт ва инфаркт каби хавфли касалликлар юзага келиши эҳтимолини оширади. Агар инсон тўғри овқатланиб, ўз рационини мева-сабзавотлар ва ёнғок билан бойитса, у ҳолда вақти-вақти билан ичиладиган ширин ичимликлар саломатликка бу қадар жиддий зиён етказмайди.

• "Red" компанияси технологик мўъжиза – "Hydrogen One" смартфонини ёз ойларида савдога чиқаришни маълум қилди. Ушбу смартфон "pogo pin" тизимига асосланган бўлиб, у 4V режимда ишлайди ва 3D дан кўра сифатли тасвирларни ҳосил қилувчи голографик дисплей билан таъминланади. Бу смартфонга ҳам худди бошқаларида бўлгани каби 2D режимдаги 5,7 дюймли ҳамда 2560x1440 пикселли дисплей ўрнатилади. "Qualcomm Snapdragon 835" процессори ҳамда соатига 4500 мА сигимга эга батарея билан жиҳозланган смартфонда қулоқчинлар учун тешикча, "USB Type-C" ва иккита SIM-карта учун слот очилади. Ҳар икки томонига 4V режимда 3D видеооғасвира олиш имконини берувчи мосламалар жойлаштирилади.

• Британиялик инженер Ян Пирсоннинг тахмин қилишича, 2030 йилда дунёдаги технологиялар кескин ривожланади ва футболда роботлар қадамлик қилиши мумкин. Олимнинг фикрига кўра, ҳар қандай хатонинг олдини олиш учун футболни математик тасаввур қилиш керак. Такрорий видеолавлардан фойдаланишни кўзда тутувчи VAR тизими бу борада олдинга ташланган дастлабки қадам бўлди. Ҳар қандай профессионал ҳакам ҳам хато қилади. 10 йилдан сўнг майдон узра дронлар парвоз қилиб, ўйиндаги барча вазиятни тасвирга олади ва таҳлил қилади.



Мусобақалар

ОБОД ЮРТНИНГ СПОРТЧИ ОИЛАЛАРИ

Пойтахтимиздаги Тошкент молия институти тасарруфидagi Олий ўқув юртлариаро спорт мажмуасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан турли соҳа ходимлари ўртасида ўтказилаётган "Соғлом оила" шиори остида Республика оилавий спорт мусобақаларининг шахар босқичи бўлиб ўтди.

Тошкент шахар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт тadbирлари орқали уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган мусобақада оилавий жамоалар иштирок этди.

— Юртимизда аҳолини жисмоний тарбия, спорт, санъат, халқ миллий ўйинлари билан доимий равишда шуғулланишлари шарт-шароитлар яратилган, — дейди Тошкент шахар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Ирода Хикматова. — Бугунги кунда шахар ёки туман марказларида эмас, балки узоқ чекка туманлар, қишлоқларда ҳам соғломлаштириш мажмуалари, спорт заллари, ўйин майдонлари фаолият юритмоқда. Бу бо-

рада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқдаки, бу ўз навбатида, пойтахт касаба уюшмалари томонидан ҳам меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида жисмоний тарбия ва оммавий спорт турларини кенг тарғиб қилиш орқали спортга жалб этиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнат самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор спорт мусобақаларини ўтказиш яхши анъанага айланган. Хусусан, корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортнинг оммавийлигини ошириш, спорт-соғломлаштириш тadbирлари орқали саломатлигини мустаҳкамлаш ишлари олиб боришмоқда.

"Соғлом оила" шиори остида ўтказилган оилавий спорт мусобақалари ходим-

лар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оила аъзоларининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишини кундалик турмуш тарзига айлантириш, спорт орқали саломатлигини тиклашга кўмаклашиш мақсадида уч босқичда ташкил этилди.

Оилавий спорт мусобақасида корхона, ташкилот, муассасалардаги ходимлар ва уларнинг оила аъзолари спортнинг оммавий турлари бўйича беллашдилар, ғолиблар туманлар миқёсида ва туманлар ғолиблари шахар босқичида куч синашди.

Бир ўғил, бир қиздан иборат оилавий жамоалар "Югуриш, акробатика элементлари ва түпни нишонга отиш", "Моҳир ҳужумчи", "Қаддимизни ростлаймиз, сакрашни боғлаймиз", "Тезлик эстафетаси", "Эпчиллик эстафетаси", "Арқон тортиш мусобақаси", "Бир жамоа эста-

фетаси" каби шартлар бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Мусобақа мurosасиз беллашувлар, ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлиб, қизгин тарзда ўтган баҳсларда ғолиб ҳамда совриндорлар аниқланди.

— Спорт инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади, — дейди 1-ўрин соҳиби, Яшнобод туманидан Назаровлар оиласи. — Фарзандларимиз билан спортга ошно ҳолда ҳаёт кечирмоқдамиз. Ҳар бир ота-она фарзандининг соғлом бўлиб вояга етишини истайди. Шу сабабли фарзандларимизни спорт билан шуғулланишлари алоҳида эътибор қаратамиз. Спорт дўстликка, яхшиликка етаклайди.

Спорт мусобақасида 1-, 2-, 3-ўринни эгаллаган ва "Энг қаққон оила", "Ғалаба бўлган ишончи учун", "Энг фаол қатнашган оила" каби номинация ғолиблари Тошкент шахар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар ва дипломлар билан тақдирланди.

Спортнинг оммавийлигини оширишда уни ҳар томонлама ривожлантириш орқали баркамол шахсни тарбиялаш, меҳнаткашлар ва ёшларни, айниқса аёллар ва болаларни спортга жалб этиш бу — соғлом келажақ деганидир. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Осиё футбол конфедерацияси мутахассиси Пун Йоук Йенг "Чигатой"даги майдон қурилиши билан танишди.

Хабарингиз бўлса, ўтган йили Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда Ўзбекистон футбол ассоциациясининг биринчи вице-президенти Умид Аҳмаджонов Осиё футбол конфедерацияси президенти Шайх Салмон бин Иброҳим ал-Халифа билан учрашиб, мамлакатимизда футболни ривожлантиришга асосланган турли лойиҳалар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича келишувга эришганди.

Келишувга асосан "Чигатой" спорт базасидаги сунъий қопламали майдон ОФК томонидан ажратиладиган маблаглар асосида тўлалигича реконструкция қилиниши белгилаб қўйилганди.

ОФКнинг ана шу лойиҳаси бўйича амалга ошириладиган ишлар билан танишиш мақсадида Осиё футбол конфедерациясининг футбол майдонлари қурилиши бўйича юқори малакали мутахассиси Пун Йоук Йенг юртимизга ташриф буюрди. У "Чигатой" спорт базасига ташриф буюриб, ОФК томонидан ажратилган маблаг асосида қуриладиган сунъий қопламали стадионнинг қурилиш ишлари билан танишди. Майдонни барпо қилиш бўйича ўзининг амалий маслаҳатларини бериб ўтди. Бу борада ОФКнинг тажрибаси билан ўртоқлашди.

Ушбу сунъий қопламали стадион барпо қилингандан кейин бу ерда йилнинг исталган фаслида машғулотлар олиб бориш ва назорат учрашувлари ўтказиш мумкин бўлади.

Ботир ХҲАЕВ

Футбол янгиликлари

МАКТАБЛАРАО МУСОБАҚА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Юртимизда миллионлар ўйинини янада ривожлантириш, футболни болалар ва ўсмирлар ўртасида янада оммалаштириш мақсадида ЎФА ташаббуси билан ислохотлар амалга оширилмоқда.

Чунки болалар футболни ривожлантирмай туриб, катталар футболда муваффақият қозониш мушкул. Яқинда Тошкент шахар футбол федерацияси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири билан ҳамкорликда янги лойиҳани амалга оширишга бел боғлади. Яъни, эндиликда бошланғич синф ўқувчилари ўртасида "уй-сафар" тизими асосида чемпио-

нат баҳслари ўтказилади. Жорий йилдан пойтахтимиздаги 11 та туман терма жамоаси алоҳида лига беллашувларида ғолиблик учун кураш олиб боради. Оммавий футбол сифатини ошириш мақсадида ҳар бир жамоага ўз туманидаги БУСМ бириктириб қўйилади. 4-синф ўқувчилари туман шарафини чемпионлик пойғасида ҳимоя қилишади, 1-3-синфлар жамоала-

ри эса очкосиз тизимда ўйнайдилар. Жорий йилдан бошлангич синф ўқувчиларининг шанба куни дам олишларини ҳисобга олган ҳолда, биринчилиكنинг ҳар бир тур ўйинлари шу кунда уюштирилади. Бу бирор клубда фаолият олиб бораётган ёш футболчига яхшанба куни ўтказиладиган шахар биринчилигида муаммосиз қатнашиш имконини беради.

ЎҚУВ КУРСЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

Футбол беллашувларининг ҳалол ўтиши мухлислар ўртасида бу спорт турига қизиқишни янада оширади.

Албатта, ЎФА раҳбарияти мамлакат биринчилиги беллашувларини қизиқарли, томошабоп ва ҳалол ўтишини таъминлашга, келишилган ўйинларга барҳам беришга интилиб, турли хил ислохотлар устида жиддий иш олиб бораётгани таҳсинга лойиқ. Чемпионат баҳсларининг ҳалол, ҳолис ва қизиқарли ўтишини таъминлашда назоратчи ҳакамларнинг ҳам ҳиссаси кат-

та. Шу боис ҳам пойтахтимиздаги "Чигатой" ўқув базасида икки кунлик маҳорат ошириш курслари ташкил этилди. ЎФА ташаббуси билан уюштирилган маҳорат ошириш курсларида қатнашган 46 нафар назоратчи ҳакамлар якунда ўйинлар қонун-қоидалари ҳамда қайднома тўлдириш бўйича имтиҳон топширишди.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент молия институти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли "Олий таълим муассасаларига педагог ходимларини танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида"ги қарори билан тасдиқланган низомнинг 12-бандига асосан қуйидаги сайлаш муддати ушбу ўқув йилида тамом бўладиган, шунингдек, бўш лавозимларни эгаллашга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Чет тиллари кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент);
2. Банк иши кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент);
3. Банк ҳисоби ва аудит кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент);
4. Ўзбек ва рус тиллари кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент);
5. Жисмоний маданият ва спорт кафедраси: катта ўқитувчи;
6. Менежмент ва маркетинг кафедраси: профессор, ўқитувчи (ассистент);
7. Молия кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент);
8. Пенсия иши кафедраси: доцент, ўқитувчи (ассистент);
9. Баҳолаш иши ва инвестициялар кафедраси: профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент);
10. Молиявий таҳлил кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент);
11. Информацион-коммуникацион технологиялар кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент);

12. Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси: доцент, катта ўқитувчи;
13. Иктисодиёт назарияси кафедраси: катта ўқитувчи;
14. Касбий таълим кафедраси: кафедра мудири, доцент, ўқитувчи (ассистент);
15. Бухгалтерия ҳисоби кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент);
16. Аудит кафедраси: профессор, ўқитувчи (ассистент);
17. Минтақавий иктисодиёт кафедраси: катта ўқитувчи;
18. Бизнес ва тadbиркорлик кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент);
19. Бюджет ҳисоби кафедраси: кафедра мудири, ўқитувчи (ассистент);
20. Сугурта иши кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент);
21. Олий ва амалий математика кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент);
22. Статистика кафедраси: доцент, катта ўқитувчи;
23. Молиявий менежмент кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент);
24. Иқтисодий фанлар кафедраси: доцент, катта ўқитувчи.

Танловда чет тили ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини мукамал ўзлаштирган педагог-ҳодимлар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй, ТМИ ҳодимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Тел.: 234-45-86

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: (0-371) 233-28-95,
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шахар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМИЛИГИ

1118 0010-7291

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г-335

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12596 нусхада босилди.

Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳасратов

Тошпириш вақти: 13.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Босишга топширилди: 23.50

КИТОБЛАР — ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАР

Китобга муҳаббат, китоб мутолаа қилиш миллий қадриятларимиздан бўлиб, ёшлар ўртасида китоб ўқишга эътиборни кучайтириш давр талаби даражасига кўтарилиб бораётганлиги қувонарлидир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Миробод тумани Кенгаши ва Миробод туманидаги 147-умумтаълим мактаби жамоаси билан ҳамкорликда "Китоб — бизнинг дўстимиз" мавзусида маънавий-маърифий тadbир ўтказилди.

Мактаб ўқувчилари ўртасида китоб мутолаа-си ва китобхонлик маданиятини янада юксалтириш, уларда китобга бўлган қизиқишни оширишга бағишланган маънавий-маърифий тadbирни мактаб директори Малик Рўзикулов кичириш сўзи билан очиб берар экан, миллатимиз эртаси бўлган қизларни Зулфия номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлиш учун изланишга, ўқиб, ўрганишга ва ўз устида тинимсиз меҳнат қилишга чорлади.

Адабиётга, шеърятга меҳр қўйган иқтидорли ўқувчилар улуг шоир Алишер Навоий ғазаллари, рубоийларидан парчалар, эл севган шоира Зулфияхоним ва ҳассос шоирларимиз Чўлпон ва Абдулла Орипов шеърларини ёддан ўқиб бердилар.

Мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Санобар Одилованинг Алишер Навоий ғазалларини шарҳлаб ифодали ўқиганлиги ўқувчиларга завқ-шавқ бағишласа, 147-мактабнинг ёшлар етакчиси Дилдора Ортиқованинг ўқувчиларга жажон илм-фани ҳамда маданиятга беқиёс ҳисса қўшган улуг аждодларимиз ҳақидаги фикрлари бирдай манзур бўлди.

Улугбек ПҮЛАТОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Юнусобод ТСРҲИ томонидан 20.08.2014 йилда №009398-10 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "ZAR ZAHOB" МЧЖ (ИНН 303032274) таъсисчиларнинг 7.03.2018 йилдаги 2-сонли баённомасига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99897 400-24-05.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шахар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси 30 000 донга А3+форматдаги рангли муқовадан чоп этиш мақсадида корхоналар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уй.
Тел.: 241-77-29.
факс: 239-35-01.
E-mail: kanc@kadastr.uz
Қўшимча маълумотларни душанба-жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефон рақамлари орқали олиш мумкин.
Тижорат тақлифлари эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 10 кун ичида қабул қилинади.

ЛОЙИХАЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Мирзо Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 5-уйда жойлашган "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Тошкент шахар минтақавий филиали бизнесининг янги ишлаб чиқилган дизайн асосида бинонинг фасади ва ички қисмида реконструкция ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва муаллифлик назоратини олиб бориш бўйича махсус лицензияга эга ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги ба-тафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 5-уй. Телефонлар: (371) 140-66-14, 120-45-29.
Нархлари фойдада кўрсатилган тижорат тақлифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти жамоаси Малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази директори Эркин Зикруллаевнинг Файзуллаевнинг ораси

Озода Зикрулла кизи ФАЙЗУЛЛАЕВАНING

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этади.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.